

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2025 йил июль ойининг 1 куни, Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар суди, Бекобод шаҳар ИИБ биносида, очик сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи Х.Халиков, А.Шайзаковнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бекобод шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Ш.Самандаров, (судланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи) адвокат Б.Эшмоновнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди, 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 1-қисми билан айб эълон қилинган:

\_\_\_\_\_ йилда Бекобод туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, икки нафар фарзанди бор, “\_\_\_\_\_” МЧЖ раҳбари, муқаддам жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судининг 07.02.2024 йилдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, ЖКнинг 62-моддаси тартибида базавий ҳисоблаш миқдорининг 31 баравари миқдорида 9.300.000 сўм жарима жазосига судланган, Тошкент вилояти, \_\_\_\_\_ йда яшайди, иш бўйича 06.01.2025 йилдан буён қамокда сақланаётган, айблов хулосаси нусхасини 15.05.2025 йилда олган \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_га нисбатан 1-\_\_\_\_\_ -сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, суд, судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, иш ҳужжатларини тафтиш қилиб, тарафларнинг музокара нутқи ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, тўпланган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи \_\_\_\_\_ 2007 йил 23 март кунидан буён “\_\_\_\_\_” МЧЖ раҳбари лавозимида фаолият юритиб келиб, ўзи раҳбарлик қилиб келаётган жамиятда 20.12.2011 йилдан буён иқтисодчи вазифасида ишлаб келган \_\_\_\_\_ номига 20.02.2017 йилда Бекобод шаҳридан давлат рўйхатидан “\_\_\_\_\_” МЧЖни расмийлаштиб, ҳақиқатда жамиятнинг молиявий ва хўжалик фаолиятини 23.12.2024 йилга қадар норасмий равишда, шу кундан бошлаб эса расман ўзи бошқариб келиб, “\_\_\_\_\_” МЧЖ ҳамда собиқ АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Бекобод филиали ўртасида 16.09.2021 йилда тузилган 79-сонли шартномага асосан “\_\_\_\_\_” МЧЖга тикувчилик ва ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш мақсадида, Бекобод шаҳрида жойлашган нотурар бино, нон ишлаб чиқариш ускунаси, қоғоз ишлаб чиқариш ускунаси, тикув машиналари ҳамда 2 дона “Traiblazer” русумли



енгил хизмат машиналари сотиб олиш учун 4 млрд 100 млн сўм миқдорда имтиёзли кредит маблағлари ажратилишига эришиб, банк томонидан ажратилган кредит маблағларининг 1 млрд 200 млн сўмлик қисми эвазига харид қилиниб, гаров таъминотига қабул қилинган нон ишлаб чиқариш ускунаси, қоғоз ишлаб чиқариш ускунаси ва тикув машиналарини шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаш мақсадида сотиб юбориш йўли билан талон-торож қилган.

Бундан ташқари, [REDACTED] АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Бекобод филиали томонидан тикувчилик ва ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш мақсадида, Бекобод шаҳрида жойлашган нотурар бино, нон ишлаб чиқариш ускунаси, қоғоз ишлаб чиқариш ускунаси, тикув машиналари ҳамда 2 дона “Traiblazer” русумли енгил хизмат машиналари сотиб олиш учун ажратилган 4 млрд 100 млн сўм миқдордаги имтиёзли кредит маблағларининг 1 млрд 200 млн сўмлик қисми ҳисобидан харид қилинган нон ишлаб чиқариш ускунаси, қоғоз ишлаб чиқариш ускунаси ва тикув машиналари камоматига йўл қўйиб, бюджетга тўланиши лозим бўлган 125 млн 217 минг 400 сўмлик қўшилган қиймат солиғини тўлашдан бўйин товлаган.

Бундан ташқари [REDACTED] АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Бекобод филиали томонидан тикувчилик ва ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш мақсадида, Бекобод шаҳрида жойлашган нотурар бино, нон ишлаб чиқариш ускунаси, қоғоз ишлаб чиқариш ускунаси, тикув машиналари ҳамда 2 дона “Traiblazer” русумли енгил хизмат машиналари сотиб олиш учун ажратилган 4 млрд 100 млн сўм миқдордаги имтиёзли кредит маблағларининг 1 млрд 200 млн сўмлик қисми ҳисобидан харид қилинган нон ишлаб чиқариш ускунаси, қоғоз ишлаб чиқариш ускунаси ва тикув машиналарини нақд пулга сотиб юбориб, бу ҳақидаги маълумотларни солиқ ҳисоботларида акс эттирмаганлиги натижасида савдо қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган **судланувчи** [REDACTED] унга нисбатан эълон қилинган айбга қисман иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам у “ [REDACTED] ” МЧЖ раҳбари лавозимида фаолият юритиб келиши, жамият раҳбари сифатида хизмат вазифаларига жамиятнинг умумий фаолиятини ташкил қилиш, ходимларни ишга қабул қилиш ва бўшатиш, жамиятнинг молиявий фаолияти билан боғлиқ бўлган юридик аҳамиятга молик ҳужжатларни тасдиқлаш ва шу кабилар киришини, “ [REDACTED] ” МЧЖга тегишли электрон рақамли имзо ҳам муҳр печатлар ҳам ўзининг фойдаланувида эканлиги, 13.09.2021 йилда “ [REDACTED] ” МЧЖ номидан собиқ АТБ “Қишлоқ Қурилиш банк” Бекобод филиали номига МЧЖнинг тикувчилик ва ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш мақсадида Бекобод шаҳрида жойлашган нотурар бино, нон ишлаб чиқариш ускунаси, қоғоз ишлаб чиқариш ускунаси, тикув машиналар ҳамда 2 дона “Traiblazer” русумли енгил хизмат машинаси сотиб олиш учун 60 ой муддатга, 24 ой имтиёзли давр билан йиллик 20 фоиз устама ҳақ тўлаш шарти билан 4 млрд 100 млн сўм кредит маблағлари ажратилиши бўйича мурожаат қилганлиги, ушбу кредит таъминоти сифатида ўзига тегишли бўлган Бекобод шаҳар, “Маърифат” МФЙ, Саломатлик кўчаси 18-А уйда жойлашган ю-иншоатлари, ўзига аввалдан таниш бўлган О.Юнусовга тегишли бўлган



“Бекобод дехқон бозори” МЧЖ худудида жойлашган савдо дўкони биноси, ўзи раҳбарлик қилиб келаётган “Bekobod-gaz-elektro-santex” МЧЖнинг 1 млрд 500 млн сўмлик кафиллик шартномаси, кредит ҳисобига сотиб олинаётган 2 дона “Traiblazer” автотранспорт воситаларини тақдим этишини кўрсатганлиги, шундан сўнг АТБ “Қишлоқ Қурилиш банк” Бекобод филиали ва ўзи бошқариб келаётган “██████████” МЧЖ ўртасида 16.09.2021 йилда, тикувчилик ва ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш мақсадида, Бекобод шаҳрида жойлашган нотураар бино, нон ишлаб чиқариш ускунаси, қоғоз ишлаб чиқариш ускунаси, тикув машиналари ҳамда 2 дона “Traiblazer” русумли енгил хизмат машиналари сотиб олиш учун 4 млрд 100 млн сўм миқдорда имтиёзли кредит маблағлари ажратиш бўйича 79-сонли кредит шартномаси тузилганлиги, 13.09.2021 йилда гаров мол-мулки қийматини келишиш комиссияси аъзолари, ўзи ва гаров мулки эгалари томонидан, кредит таминоти сифатида гаровга олинаётган мулк келишув далолатномаси тузилганлиги, унга кўра, -“Diskont invest” МЧЖнинг 27.08.2021 йилдаги 310-сонли баҳолаш ҳисоботида асосан 3 млрд 241 млн сўмга баҳоланганлиги, ўзига тегишли Бекобод шаҳар, “Маърифат” МФЙ, Саломатлик кўчаси, 18А-уйда жойлашган бино-иншоатлари 2 млрд 592 млн 800 минг сўмга, -“Maximum Estimate” МЧЖнинг 20.08.2021 йилдаги 106/08-сонли баҳолаш ҳисоботида асосан 151 млн 900 минг сўмга баҳоланганлиги, таниши О.Юнусовга тегишли “Бекобод дехқон бозори” МЧЖ худудида жойлашган савдо дўкони 121 млн 500 минг сўмга, жами бўлиб ушбу мулклар 2 млрд 714 минг 300 минг сўмга гаровга олишга келишилганлиги, ушбу мулклар Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, 80-даха, 18-уйда жойлашган, Бекобод шаҳрида хусусий нотариал фаолият билан шуғулланувчи нотариус Х.Норматова томонидан 17.12.2021 йилда гаров шартномаси расмийлаштирилиб, кредит таминоти сифатида гаровга олинганлиги, ушбу гаровга олинган кўчмас мулк “Euroasia Insurance” суғурта компанияси томонидан 16.09.2021 йилдан 15.09.2026 йилга қадар 0177346-сонли полис билан хавф-хатардан суғурталанганлиги, шундан сўнг “Bekobod-gaz-elektro-santex” МЧЖнинг 1 млрд 500 млн сўмлик кафиллик шартномасини ҳам тақдим этганлиги, шунингдек, 08.10.2021 йилда филиалнинг гаров мол-мулки қийматини келишиш комиссияси аъзолари, ўзи ва гаров мулки эгалари томонидан, кредит таминоти сифатида гаровга олинаётган мулк келишув далолатномаси тузилганлиги, унга кўра, -“Drivers village” МЧЖнинг 29.09.2021 йилдаги 3-216-2021-2553UA-сонли ҳисоб фактурасига асосан 398 млн сўмга сотиб олинганлиги, “Bekobod-metallurg” МЧЖга тегишли бўлган 2021 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 10 555 RBA бўлган “Traiblazer” русумли енгил автомашинаси 318 млн 400 минг сўмга, -“Drivers village” МЧЖнинг 29.09.2021 йилдаги 3-216-2021-25535UA-сонли ҳисоб фактурасига асосан 398 млн сўмга сотиб олинганлиги, “Bekobod-metallurg” МЧЖга тегишли бўлган 2021 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 10 555 DBA бўлган “Traiblazer” русумли енгил автомашинаси 318 млн 400 минг сўмга, жами бўлиб 2 дона автомашиналарни 636 млн 800 минг сўмга гаровга олишга келишилганлиги, ушбу автотранспорти воситасилари Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, 80-даха, 18-уйда жойлашган, Бекобод шаҳрида хусусий нотариал фаолият билан



шуғулланувчи нотариус Х.Норматова томонидан 11.10.2021 йилда гаров шартномаси расмийлаштирилиб, кредит таъминоти сифатида гаровга олинганлиги, ушбу гаровга олинган автотранспорти воситасилари “Euroasia Insurance” суғурта компанияси томонидан 09.10.2021 йилдан 08.10.2026 йилга қадар 0176031 сонли полис билан хавф-хатардан суғурталанганлиги, бундан ташқари 05.04.2022 йилда филиалнинг гаров мол-мулки қийматини келишиш комиссияси аъзолари, ўзи ва гаров мулки эгалари томонидан, кредит таъминоти сифатида гаровга олинаётган мулк келишув далолатномаси тузилганлиги, унга кўра, -“Электрон онлайн аукцион натижалари тўғрисидаги баённомаси”га асосан 2 млрд 204 минг 800 минг сўмга сотиб олинганлиги, “Векобод-metallurg” МЧЖга тегишли бўлган Бекобод шаҳар, “Ал-Хоразмий” МФЙ, Меъмор кўчасида жойлашган бино-иншооти 1 млрд 680 млн сўмга гаровга олишга келишилганлиги, ушбу гаровга олинган кучмас мулк “Омад суғурта” суғурта компанияси томонидан 11.04.2022 йилдан 10.04.2024 йилга қадар 001420 сонли полис билан хавф-хатардан суғурталанганлиги, шу тарика кредит таъминоти сифатида олинган жами мулки таъминотлар 5 млрд 31 млн 100 минг сўмни ташкил этганлиги, шундан сўнг, собиқ АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Бекобод филиали томонидан ўзи бошқариб келаётган “Векобод-metallurg” МЧЖга 4 млрд 100 млн сўм кредит маблағлари ўтказиб берилгани ва ушбу кредитнинг 796 млн сўмига 2 дона “Trailblazer”, 1 млрд 200 млн сўмига нон ишлаб чиқариш ускунаси, қоғоз ишлаб чиқариш ускунаси ва тикув машиналари, 2 млрд 100 млн 800 минг сўм қисмига эса Бекобод шаҳар, “Ал-Хоразмий” МФЙ, Меъмор кўчасида жойлашган бино-иншоотини ҳарид қилганлиги, шундан сўнг иш фаолигини бошлаганлиги ва банк ходимлари бир неча маротаба келишиб, кредит маблағи ҳисобига махсулот етказиб берилганлиги, кредит маблағи мақсадли сарфланганлиги ҳамда гаров мулклари бут ва соз ҳолатда сақлаб келинаётганлигини текшириб, далолатномалар расмийлаштириб кетишганлиги, бироқ, 2022 йилнинг бошларига келиб ишлар юришмай қолганлиги ва фаолият юритиш учун сарфлаётган ҳаражатини оқламай қолганлиги, шу орада кўчадан қарзлари ҳам кўпайиб кетганлиги, шундан сўнг АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Бекобод филиали томонидан ажратилган 4 млрд 100 млн сўм миқдорда имтиёзли кредит маблағларининг 1 млрд 200 млн сўмлик қисми ҳисобига ҳарид қилинган нон ишлаб чиқариш ускунаси, қоғоз ишлаб чиқариш ускунаси ва тикув машиналарини Тошкент шаҳридаги “Янгиобод” бозорига олиб бориб 830 млн сўмга сотиб юборганлиги ва ушбу пулларнинг бир қисмини ишчи ходимлари олдида юзасига келган қарзларини тўлаш учун, яна бир қисмини эса шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборганлиги, шундан сўнг орадан кўп ўтмай банк ходимлари мониторинг ўтказиш мақсадида келишганлиги ва кредит маблағларининг 1 млрд 200 млн сўмлик қисми ҳисобига ҳарид қилинган нон ишлаб чиқариш ускунаси, қоғоз ишлаб чиқариш ускунаси ва тикув машиналари йўқлиги, кредитнинг ушбу қисми мақсадсиз сарфланганлиги ҳақида далолатнома расмийлаштириб кетишганлиги, шундан сўнг 27.03.2023 йилда Савдо саноат палатаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан фуқаролик ишлари бўйича Бекобод туманлараро судига 5 млрд 48 млн 800 минг сўм кредит асосий қарзини ҳамда кредитга



хисобланган фоиз қарздорликларни ундириш, тузилган кредит шартномасини бекор қилиш ҳамда қарздорликларни гаровга қўйилган мулкларга қаратиш бўйича даъво аризаси киритилганлиги, 30.08.2023 йилда фуқаролик ишлари бўйича Бекобод туманлараро судининг ҳал қилув қарорига асосан банк фойдасига 5 млрд 48 млн 800 минг сўмни ундириш ҳамда ундирирувни гаровга, яъни: ўзига тегишли бўлган 2 млрд 592 млн 800 минг сўмга баҳоланган Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар, “Марифат” МФЙ, Саломатлик кўчасида жойлашган 18-сонли нотурар-жой бинога, таниши О.Юнусовга тегишли 121 млн 500 сўмга баҳоланган “Бекобод дехқон бозори” МЧЖ ҳудудидаги савдо дўконига, “Bekobod Metallurg” МЧЖга тегишли 318 млн 800 минг сўмдан баҳоланган 2 дона “Trailblazer” автотранспорт воситаларига, ҳамда ўзининг раҳбарлигидаги “Bekobod-gaz-elektro-santex” МЧЖнинг 1 млрд 500 млн сўмлик кафиллик шартномаси бўйича мажбуриятларига қаратиш кўрсатилганлиги, шундан сўнг, МИБ Бекобод шаҳар бўлими томонидан “E-IJRO AUKSION” савдосида 2 дона “Trailblazer” автотранспорт воситалари 679 млн 900 минг сўмга сотилиб кредитнинг асосий қарздорлиги учун ўтказилганлиги, таниши О.Юнусов ўзига тегишли бўлган “Бекобод дехқон бозори” МЧЖ ҳудудидаги савдо дўкони учун 121 млн 500 минг сўм тўлов қилганлиги ва ушбу пуллар кредит фоиз қарздорлиги учун сўндирилганлиги, шунингдек, “Bekobod-gaz-elektro-santex” МЧЖга тегишли 78 млн 200 минг сўм қийматда гаровга олинган “Дамас” русумли енгил автомашинаси АUKSION савдолари орқали сотилиб 95 млн сўм кредит фоиз қарздорлиги учун сўндирилганлиги, ҳозирги кунда банк олдидаги асосий қарздорлик 3 млрд 416 млн 700 минг сўмни, унга хисобланган фоиз қарздорлиги 2 млрд 89 млн 300 минг сўмни ташкил этиши, бироқ, ўзи томонидан олинган кредит таъминоти сифатида гаровга қўйилган мулклар яъни: ўзига тегишли бўлган, 3 млрд 241 млн сўмга баҳоланиб, банк томонидан 2 млрд 592 млн 800 минг сўмга гаровга олинган Бекобод шаҳар, “Маърифат” МФЙ, Саломатлик кўчаси, 18А-уйда жойлашган бино-иншоати ҳамда “Bekobod-metallurg” МЧЖ балансида бўлган, “Электрон онлайн аукцион натижалари тўғрисидаги баённомаси”га асосан 2 млрд 204 минг 800 минг сўмга сотиб олиниб, банк томонидан 1 млрд 680 млн сўмга гаровга олинган Бекобод шаҳар, “Ал-Хоразмий” МФЙ, Меъмор кўчасида жойлашган бино-иншоати АUKSION савдолари орқали сотилса ёки банк томонидан балансига олинса кредит қопланиб қолади деб ҳисоблаши, АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Бекобод филиалидан “Bekobod-metallurg” МЧЖ номига кредит маблағлари ажратилиши эвазига бирор шахсга пул ёки бошқа моддий қимматликлар бермаганлиги, “Bekobod-metallurg” МЧЖнинг молиявий фаолияти юзасидан солиқ органларига топшириладиган ҳисоботларини ўзи юритганлиги, жамиятда бухгалтер штати кўзда тутилмаганлиги, барча молиявий ҳисоботларни ўзи юритганлиги, кредит маблағлари ҳисобига харид қилинган нон ва қоғоз ишлаб чиқариш ускуналари ҳамда тикув машиналарини 830 млн сўмга сотиб юборгани ҳақидаги маълумотларни солиқ органларига топшириладиган ҳисоботларда кўрсатмаганлиги, “Bekobod-metallurg” МЧЖнинг фаолиятини юритишда ўзидан бошқа шахслар норасмий равишда иштирок этишмаганлиги, ушбу жамиятни доим бир ўзи юритиб келганлиги,



суд тергов жараёнида солиқ органига етказилган 125.000.000 сўм моддий зарарни қоплаб, депозит ҳисоб рақамига қўйганлиги, кредит бўйича фуқаролик ишлари бўйича Бекобод туманлараро судининг 30.08.2023 йилдаги ҳал қилув қарори ўз кучида эканлиги, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймондалиги, бошқа бу ҳолат такрорланмаслиги, ўзига тегишли хулоса чиқариб олганлиги, озодликка чиқиши билан барча қарздорликларни тўлаб бериши ҳақида кўрсатув бериб, суддан унга нисбатан жазо тайинлашда унинг ёшини, оилавий шароитини, соғлиғини инобатга олиб, унга қамоқ билан боғлиқ бўлмаган енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Суд мажлисида сўроқ қилинган **фуқаровий даъвогар Абидов Ёкубжон Гуломхасанович** ўз кўрсатмасида у “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси юридик хизмат бўлими бошлиғи эканлиги, 2024 йил 15 ноябрь кунидан буён “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси юридик хизмат бўлими бошлиғи лавозимида фаолият юритиб келаётганлиги, хизмат вазифаларига қарздорликлар бўйича даъволар киритиш, ХМҚОларда бошқарма манфаатини ҳимоя қилиш ва шунга ўхшаш бошқа вазифалар киришлиги, вилоят прокуратураси томонидан олиб борилган дастлабки тергов ҳаракатлари давомида “Bekobod Metallurg” МЧЖ раҳбари А.Махкамов собиқ АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Бекобод филиали томонидан 16.09.2021 йилдаги 79-сонли шартномага асосан тикувчилик ва ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш мақсадида, Бекобод шаҳрида жойлашган нотураб бино, нон ишлаб чиқариш ускунаси, қоғоз ишлаб чиқариш ускунаси, тикув машиналари ҳамда 2 дона “Trailblazer” русумли енгил хизмат машиналари сотиб олиш учун ажратилган 4 млрд 100 млн сўм миқдорда имтиёзли кредит маблағларининг 1 млрд 200 млн сўмлик қисми эвазига харид қилиниб, гаров таъминотига қабул қилинган нон ишлаб чиқариш ускунаси, қоғоз ишлаб чиқариш ускунаси ва тикув машиналарини шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаш мақсадида сотиб юбориш йўли билан талон-торож қилгани аниқланганлиги, шундан сўнг улар фуқаролик ишлари бўйича Бекобод туманлараро судига жавобгар “Bekobod Metallurg” МЧЖ, “Bekobod-gaz-elektro-santex” МЧЖ, Юнусов Олимжон Собирович, Махкамов Акбарали Тошпулатовичларга нисбатан кредит қарздорликни ундириш, ундурувни гаров мулкига қаратиш ҳақидаги даъво аризаси билан мурожаат қилишганлиги ва фуқаролик судининг 30.08.2023 йилдаги ҳал қилув қарорига асосан уларнинг судга киритган даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилганлиги, гаровдаги мулклар, яъни 2 дона “Trailblazer” русумли автомашиналар жами 679.974.669,74 сўмга очик аукцион савдосида сотилганлиги ва кредитнинг асосий қарзига ундирилганлиги, “Bekobod Metallurg” МЧЖнинг 2025 йил 12 июнь ҳолатига кредитнинг асосий қарзидан 3.416.775.223,12 тийин ва унга ҳисобланган фоиз қарздорлиги 2.089.357.590 сўмни, жами 5.506.132.813,12 тийин кредит қарздорлиги мавжудлиги ҳақида кўрсатув бериб, етказилган зарар қопланмаганлигини инобатга олиб А.Махкамовдан зарарни ундиришда амалий ёрдам беришни сўради.

Суд мажлисида сўроқ қилинган **фуқаровий даъвогар Хамраев Лилшод Михлиевич** ўз кўрсатмасида у хизмат вазифаларига қарздорликлар бўйича даъволар киритиш, ХМҚОларда бошқарма манфаатини ҳимоя қилиш



ва шунга ўхшаш бошқа вазифалар киришлиги, вилоят прокуратураси томонидан олиб борилган дастлабки тергов ҳаракатлари давомида “Bekobod Metallurg” МЧЖ раҳбари А.Махкамов собиқ АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Бекобод филиали томонидан 16.09.2021 йилдаги 79-сонли шартномага асосан тикувчилик ва ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш мақсадида, Бекобод шаҳрида жойлашган нотурар бино, нон ишлаб чиқариш ускунаси, қоғоз ишлаб чиқариш ускунаси, тикув машиналари ҳамда 2 дона “Traiblazer” русумли енгил хизмат машиналари сотиб олиш учун ажратилган 4 млрд. 100 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит маблағларининг 1 млрд. 200 млн. сўмлик қисми эвазига харид қилиниб, гаров таъминотига қабул қилинган нон ишлаб чиқариш ускунаси, қоғоз ишлаб чиқариш ускунаси ва тикув машиналарини шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаш мақсадида сотиб юбориш йўли билан талон-торож қилганлиги, бундан ташқари, А.Махкамов АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Бекобод филиали томонидан тикувчилик ва ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш мақсадида, Бекобод шаҳрида жойлашган нотурар бино, нон ишлаб чиқариш ускунаси, қоғоз ишлаб чиқариш ускунаси, тикув машиналари ҳамда 2 дона “Traiblazer” русумли енгил хизмат машиналари сотиб олиш учун ажратилган 4 млрд. 100 млн. сўм миқдордаги имтиёзли кредит маблағларининг 1 млрд. 200 млн. сўмлик қисми ҳисобидан харид қилинган нон ишлаб чиқариш ускунаси, қоғоз ишлаб чиқариш ускунаси ва тикув машиналари камоматига йўл қўйиб, бюджетга тўланиши лозим бўлган 125 млн. 217 минг 400 сўмлик қўшилган қиймат солиғини тўлашдан бўйин товлагани, шу билан бирга, А.Махкамов АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Бекобод филиали томонидан тикувчилик ва ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш мақсадида, Бекобод шаҳрида жойлашган нотурар бино, нон ишлаб чиқариш ускунаси, қоғоз ишлаб чиқариш ускунаси, тикув машиналари ҳамда 2 дона “Traiblazer” русумли енгил хизмат машиналари сотиб олиш учун ажратилган 4 млрд. 100 млн. сўм миқдордаги имтиёзли кредит маблағларининг 1 млрд. 200 млн. сўмлик қисми ҳисобидан харид қилинган нон ишлаб чиқариш ускунаси, қоғоз ишлаб чиқариш ускунаси ва тикув машиналарини нақд пулга сотиб юбориб, бу ҳақидаги маълумотларни солиқ ҳисоботларида акс эттирмаганлиги натижасида савдо қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузгани аниқланганлиги, жиноят иши бўйича Тошкент вилояти солиқ бошқармаси манфаатларига 125.217.400 сўм зарар етказилганлигини тасдиқловчи далиллар мавжудлигини инобатга олиб, суддан А.Махкамовдан етказилган зарарни ундиришда амалий ёрдам беришни сўради.

Суд мажлисида сўроқ қилинган **гувоҳ Мирзаахмадий Шомухаммад Шавкат ўғли** ўз кўрсатмасида у Тошкент вилояти Солиқ бошқармаси Солиқ аудитори бўлими давлат солиқ катта инспектори лавозимида ишлашлиги, Давлат солиқ органларида 2008 йилнинг февраль ойидан буён ишлаб келмоқдалиги, 2024 йил февраль ойидан буён эгаллаб турган лавозимида фаолият юритиб келаётганлиги, иш юзасидан хизмат вазифаларига юридик ва жисмоний шахсларда ҳужжатли текширишлар ва солиқ аудитини ўтказиш кабилар киришлиги, Бекобод шаҳар прокуратураси томонидан тайинланган “Молия хўжалик фаолияти юзасидан ҳужжатли тафтиш тайинлаш ҳақида”ги қарор,



Тошкент вилояти солиқ бошқармасининг 13.03.2025 йилдаги 513-хс-сонли буйруғига асосан Тошкент вилоятидан рўйхатдан ўтган “Bekobod-Metallurg” МЧЖда, қўзғатилган жиноят иши доирасида солиқ аудити ўтказгани, солиқ аудити жамият раҳбари Махкамов Акбарали Тошпўлатович огоҳлигида ўтказилгани, аниқланишича, собиқ АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Бекобод филиали томонидан 16.09.2021 йилда “Bekobod-Metallurg” МЧЖга 4 млрд. 100 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилган бўлиб, банк томонидан ажратилган кредит маблағларининг 1 млрд. 200 млн. сўмлик қиймати учун нон ишлаб чиқариш ускунасини, қоғоз ишлаб чиқариш ускунаси ва тикув машиналари олинishi белгиланган бўлиб, бироқ жамият “Alibek Olimjon maqsadlari sari” МЧЖдан нон ишлаб чиқариш ускунаси, қоғоз ишлаб чиқариш ускунаси ва тикув машиналари 1 млрд. 200 млн. сўм эвазига харид қилиб, кейинчалик эса уларни шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаш мақсадида сотиб юбориш йўли билан талон-тарож қилингани, мазкур ҳолат юзасидан “Bekobod-Metallurg” МЧЖ мансабдор шахслари ва бошқаларга нисбатан жиноят иши қўзғатилгани, мазкур жиноят иши доирасида тергов ҳаракатларини ҳар томонлама тўлиқ ва холисона олиб борилишини таъминлаш мақсадида “Bekobod-Metallurg” МЧЖнинг мазкур жиноят иши билан боғлиқ қонун ҳужжатларини бузганлиги ҳолати бўйича амалдаги қонунларга риоя этилиши юзасидан молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан ҳужжатли тафтиш ўтказилиши белгиланган бўлиб, “Молия хўжалик фаолияти юзасидан ҳужжатли тафтиш ўтказиш Тошкент вилояти солиқ бошқармаси ходимларига юклатилганлиги, ўтказилган ҳужжатли тафтишда аниқланишича, Тошкент вилоят давлат солиқ бошқармасидаги жамиятнинг шахсий варақаси бўйича 01.03.2025 йил ҳолатига солиқлар ва жарималар олдида 409 млн. 172 минг сўм солиқ қарздорлиги, пеняси 103 млн. 912 минг 600 сўмни ташкил этиши ва ортиқча тўлови 99,9 минг сўмни ташкил этиши маълум бўлгани, солиқ тўловчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ қонунчилигида белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши ўрганилганида, солиқ аудити ўтказилган даврларда жамият умумбелгиланган солиқ тўловчиси бўлиб ҳисобланиши аниқлангани, солиқ тўловчининг молия-хўжалик фаолияти солиқ аудити текширилаётган даврда амалда бўлган Солиқ кодекси, Адлия Вазирлигидан рўйхатдан ўтган “Солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида”ги йўриқномалар, “Харажатлар таркиби тўғрисида”ги Низом ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида банк ҳамда бошқа ҳужжатларни ўрганиш ва таққослаш асосида ўтказилгани, ўтказилган текшириш натижасида, солиқ органларида мавжуд маълумотларга асосан жамият томонидан 16.09.2021 йилда тузилган 41/09-21-сонли шартномага асосан жамият, “Alibek Olimjon Maqsadlar Sari” МЧЖдан товарларни харид қилгани, лекин солиқ органларида мавжуд маълумотларга асосан, жамият юқорида харид қилиб олган жами қиймати 1 млрд. 43 млн. 478 минг 300 асосий воситалар жамият омборида мавжуд эмаслиги ҳамда жамият раҳбарининг терговда берган кўрсатмасига асосан сотиб юборилганлиги маълум бўлгани, солиқ органида мавжуд маълумотларга асосан жамият ушбу асосий воситалар реализациясини солиқ ҳисоботларида акс эттирмаганлиги ва ушбу реализация



килинган асосий воситалардан солиқ тўламаганлиги маълум бўлгани, натижада, Солиқ кодексининг 223-моддасига асосан ушбу сотиб юборилган жами қиймати 1 млрд. 43 млн. 478 минг 300 сўмлик асосий воситаларга белгиланган тартибда 12 фоизли солиқ ставкасида 125 млн. 217 минг 400 сўм кўшилган қиймат солиғи қўшимча ҳисоблангани, мижоз томонидан бизнес режа кўрсаткичлари бажарилмагани ва кредит ажратилгандан бугунги кунга қадар корхонанинг 20208-ҳисоб рақамига тикувчилик фаолиятдан, нон сотишдан, қоғоз сотишдан маблағлар келиб тушмагани аниқланганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Суд, давлат айбловчиси ва адвокатнинг фикрларини, судланувчи, фуқаровий даъвогарлар ва гувоҳнинг берган кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларида тўпланган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, судланувчи [REDACTED]нинг айби, ўз айбига қисман иқроор бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, фуқаровий даъвогарнинг ва гувоҳнинг кўрсатуви, Тошкент вилояти Солиқ бошқармаси маълумотномаси, банк маълумотлари, тушунтириш хатлари, шунингдек, жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланди деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи [REDACTED]нинг ҳаракатлари “ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш” аломатлари билан ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди, “фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасдан яширишни, камайтириб кўрсатишни, шунингдек давлат томонидан белгиланган солиқларни ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасдан бўйин товлашни жуда кўп миқдорда содир этиш” аломатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми билан ва “савдо қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузиш” аломатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тайинлашда, унинг шахсини, ёшини, оилавий шароитларини, қилмишидан пушаймонлигини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, етказилган моддий зарарнинг бир қисми қопланганлигини, шунингдек жиноятда иштирок этганлик хусусияти ва даражасини инобатга олиб, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорига амал қилган ҳолда унга ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида назарда тутилган жазоларни тайинлашни, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида узил-кесил озодликни чеклаш жазоси ҳамда жарима жазосини тайинлашни, шунингдек суд, ЖКнинг 62-моддасига асосан уни 177 кун қамоқда сақланган ҳар бир кунини озодликни чеклаш жазосини бир кунига тенглаштириб, жазодан чегириб, ўташлик учун узил-кесил жазо тайинлашни лозим деб топди.

Шунингдек суд, судланувчига жазо ўташ даврида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси 6-қисмида назарда ҳуқуқий оқибатлар



юзага келиши, яъни маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлигини тушунтириб ўтишни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

## Ҳ У К М Қ И Л Д И:

\_\_\_\_\_ ) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди, 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 баравари миқдорида 90.000.000 сўм жарима жазоси тайинлансин;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189-моддаси 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 баравари миқдорида 90.000.000 сўм жарима жазоси тайинлансин;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59 ва 61-моддалари тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил базавий ҳисоблаш миқдорининг 310 баравари миқдорида 93.000.000 сўм жарима жазоси тайинлансин ва 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан \_\_\_\_\_ ни 177 кун қамокда сақланган ҳар бир кунини озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштириб, тайинланган жазодан чегирилиб, ўташлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **310 баравари миқдорида 93.000.000 сўм жарима жазоси 2 йил 6 ой 3 кун** муддатга озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61-моддасига мувофиқ тайинланган жазолар ҳар қайсиси алоҳида ижро этирилсин.

Озодликни чеклаш жазоси \_\_\_\_\_ нинг яшаш жойи, яъни Тошкент вилояти, \_\_\_\_\_ -уйда ўташ белгилансин.

\_\_\_\_\_ яшаш жойини сутканинг 22:00дан 06:00га қадар тарқ этиш тақиқлансин.

Жазони ўташ даврида \_\_\_\_\_ инг зиммасига маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, спиртли ичимлик истеъмол қилмаслик каби қўшимча тақиқлар ва жазо ўташ даврининг дастлабки 6 ой муддат ичида етказилган моддий зарарни қопланмаган қисмини қоплаш мажбурияти юклатилсин.

Жазони ижро этиш Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар ИИБнинг



Пробация гуруҳи томонидан амалга оширилсин.

Жазони ўташ муддати, маҳкум Бекобод шаҳар ИИБнинг Пробация гуруҳида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

А.Махкамовга нисбатан қўлланилган “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва у дарҳол суд залидан озод қилинсин.

А.Махкамовдан “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ Нурафшон БХО фойдасига 520.025.331 сўм 74 тийин моддий зарар ундирилсин.

А.Махкамовдан Тошкент вилоят ДСИ бошқармаси фойдасига 217.400 сўм ундирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Тошкент вилоят ҳудудий бўлими депозит ҳисоб рақамига 12.06.2025 йилдаги тўлов паттасига асосан топширилган 125.000.000 сўм Тошкент вилоят ДСИ бошқармаси фойдасига ўтказилсин.

А.Махкамовга жазо ўташ даврида суд томонидан унинг зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси 6-қисмига кўра озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан, судланган шахс ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида ушбу суд орқали Тошкент вилояти судига апелляция тартибида шикоят ёки протест келтириш, ушбу муддат ўтгандан сўнг кассация тартибида шикоят ёки протест келтириш ҳуқуқига эга.

Раислик қилувчи:

имзо

Х.Халиков

Аслига тўғри:

